

ШАМСЕМАТОВА Барно

Ўзбекистон халқаро ислом академияси,
Чет тиллари кафедраси катта ўқитувчиси,
фалсафа доктори PhD.
bshamsematova76@gmail.com

ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК АСПЕКТДА ҚАДРИЯТ/VALUE ЛЕКСЕМАСИНИНГ ИЗОМОРФИК ВА АЛЛОМОРФИК ЖИХАТЛАРИ (инглиз ва ўзбек асарлари мисолида)

ИЗОМОРФНЫЕ И АЛЛОМОРФНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСЕМЫ “ЦЕННОСТЬ” В ЛИНГВОКУЛЬТУРО- ЛОГИЧЕСКОМ АСПЕКТЕ (на примере английских и узбекских произведений)

ISOMORPHIC AND ALLOMORPHIC PECULIARITIES OF THE LEXEME “VALUE” IN THE LINGUISTIC AND CULTURAL ASPECT (in the example of english and uzbek works)

Аннотация: Тилшунослик ҳамда маданиятшунослик кесишмасида олиб борилган илмий тадқиқотлар ўзаро уйғунлашиб, уларнинг асосини ташкил этувчи янги йўналиш сифатида лингвомаданиятшунослик соҳаси юзага келди. Мазкур мақолада қадрият/value лексемасининг лингвомаданиятшунослик аспектида ўхшаш ва фарқли жиҳатларини инглиз ва ўзбек ёзувчилари асарлари мисолида кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: лингвомаданиятшунослик, қадрият, кроссмаданий таҳлил, қиёсий таҳлил, лексема, лингвистик атама, содда ва ясама сўзлар, умуминсоний қадриятлар, ахлоқий қадриятлар, семантика.

Аннотация: Научные исследования, проводимые на стыке языкознания и культурологии, были объединены, и область лингвокультурологии возникла как новое направление, составившее их основу. В данной статье на примере произведений

английских и узбекских писателей рассмотрены сходные и разные аспекты значения лексемы ценность в лингвокультурологии.

Ключевые слова: лингвокультурология, ценность, кросскультурный анализ, сопоставительный анализ, лексема, лингвистический термин, простые и искусственные слова, общечеловеческие ценности, моральные ценности, семантика.

Annotation: Scientific research conducted at the intersection of linguistics and cultural studies was combined, and the field of linguoculturology emerged as a new direction forming their basis. In this article, the similar and different aspects of the lexeme “value” in linguoculturology have been considered on the example of the works of English and Uzbek writers.

Key words: linguoculturology, value, crosscultural analysis, comparative analysis, lexeme, linguistic term, simple and artificial words, universal values, moral values, semantics.

КИРИШ

Бугунги кунда гувоҳи бўлмоқдамизки, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари муносабатлари, хусусан, адабий-бадий ҳамкорлиги, адабий таъсир ва акстаъсир, таржималар ва уларнинг адабий ҳамкорликдаги роли муаммолари кўп вақтлардан буён тилшунос, адабиётшунос олимларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Маълумки, адабиётшунослик, қолаверса, замонавий тилшунослик соҳасидаги муҳим вазибалардан бири Шарқ ва Ғарб мамлакатлари ўртасидаги адабий алоқаларни ўрганиш, ҳар икки минтақа адабий тилини экстралингвистик омиллар нуқтаи назаридан тадқиқ этишга қаратилгандир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Жумладан, қуйида келиб чиқиш тарихи бир-биридан бутунлай узоқ бўлган халқлар инглиз, Америка ҳамда ўзбек адабиётида миллий қадриятларнинг чоғиштирма таҳлил этишимиз ушбу тиллардаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни намоён этишга омил бўла олади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганларидек, “Эркин ижод учун, миллий, қадриятларимиз ва бой маънавиятимизни, халқимиз тарихини, унинг бугунги сермазмун ҳаётини тўлақонли ва ҳаққоний акс эттириш учун зарур шароитлар

яратилди” [1]. Шу боисдан ҳам миллий руҳда ёзилган барча асарлар қадриятлар ила бойитилгандир.

Даставвал, ўзбек романнавислиги дурдоналаридан бири ҳисобланган Абдулла Қодирийнинг **“Меҳробдан Чаён”** романида миллий-маданий қадрият лексемасининг лексик-стилистик, структурал-семантик ҳамда лингвокультурологик қиёсий таҳлил қиламиз.

“Анварнинг “чилласи чароғ кўрмаган” бўлса ҳеч боки йўқдир, бироқ йигирма кунлаб бешикда исмсиз ётиши қизиқдир, чунки янги “қадрлик меҳмон”га от қўйиши на отасининг эсига ва на онасининг хотирига келган эди. Орадан йигирма кун ўтса-ку, болага исм қўймасалар, деб ота-онани айблаш оғир. Балки Салим бўёқчининг тирикликдан қўли бўшамагандир. Анорбидининг бўлса олти боланинг хархашасидан қулоғи тинчимай мияси суюлгандир, ҳар ҳолда бу “қадрлик” боланинг оти муҳтарам маҳалла имоми тарафидан қўйилмаганидек, ота-она томонларидан ҳам насиб бўлмади. Исм қўйиши вазифасини йигирма иккинчи кунларда ўн икки ёшлиқ Нодира адо қилди” [4].

Ушбу парча Салим бўёқчи оиласида кутилмаганда олтинчи фарзанд – Анварнинг туғилиши билан боғлиқ воқеалар ёритилган **“Бахмалбофда фақир бир оила”** номли бобдан олинган бўлиб, унда Анварга нисбатан бир неча марта **“қадрлик меҳмон”, “қадрлик”** каби лексемалар ўз маъносида, яъни ҳақиқатда қадрли, ардоқли тарзида эмас, балки қадрсизланганини ифодалаш мақсадида киноя сифатида қўлланилади. Бундай бирликлар тилшуносликда **киноявий эвфемалар** деб юритилади ва ушбу романда уларни кўплаб ўринларда учратиш мумкин.

Шу ўринда, яна бир жиҳат эътиборимизни тортадики, айти мисолдаги **“қадрлик меҳмон”, “қадрлик”** ифодалари **стилистик** жиҳатдан қаралганда, **ирония** стилистик воситаси орқали ўзида киноя ва кесатик маъноларини ташийди.

Бундан кўринадики, **лингвокультуремалар** воситасида стилистик маъно ҳам ташиш мумкин экан ва бунда, ўз навбатида, **лингвокультуростилема** дея талқин этилувчи янги лингвистик атамани фанга киритиш таклифи юзага келади.

Бундан ташқари, Солиҳ маҳдумнинг Анварга қилган насиҳатларида ҳам қадрнинг,

айниқса, мол-давлат қадрига етиш тўғрисидаги ўринлар кўп учрайди.

“Бўтам Анвар, — деди бир кун маҳдум, — дунё деган кўб ноёб нарса; кишининг бир куни бўлса йиғлаб-сихтаб ўтиб кета берадир, илло, зар қадрига етиш керак... менда бўлса ўзингда тургандек гап, болам” [4].

Кўриб турганимиздек, юқоридаги парчада **“зар қадрига етиш керак”** халқ мақолини қўллаш орқали инсон пули, мол-дунёси кўпайганида ҳам унинг қадрига етиб, тежашни билиши кераклиги Маҳдум томонидан уқтирилади.

Кейинги парчада эса, **“Меҳробдан чаён”** романи ёзилган даврдаги хонлик тузумини, хонларнинг зулм-у шафқатизликларини, айтиқса, **“қадр билмас хон”** ифодаси орқали кўришимиз мумкин бўлади.

“Султоналининг тарбузи қўлтуғидан тушиб, Абдурахмон ва шерикларидан гижинган ҳолда, Гулшан билан хайрлашди. Бутун кун зир югуриб юрганига эмас, ифлосларнинг ғализ муваффақиятига чидамас эди. Бу чучмал адоват билан ингичка табиъатлик Анварнинг не кайфиятка тушишини тасаввур қилолмас; ит феъл, қадр билмас хонга аччиғ қилиб мирзоликни ташлаб кетмаса, деб қўрқар эди” [4].

Гувоҳи бўлганимиздек, **қадр лексемаси юқорида номи зикр этилган асарда турлича кўриниш ва тузилишда акс эттирилганир.**

Юқоридаги баёнга қўшимча тарзда Ўзбек романчилигининг илк дебочаси ҳисобланган **“Ўтган кунлар”** романида қадриятларни ифодаловчи лексемалар бир қатор бўлганлиги боис қуйида таҳлилни келтирамиз.

“Ўтган кунлар” асарида қадрни англатувчи сўзлар ўн беш ўринда келтирилган бўлиб, асосан, **қадрдон, қадрдонлиғ (қадрдонлик), қадр қиймат (қадр-қиймат/қадр қиймат), қадрлик, қадрсизланган** каби лексемалар орқали ифодаланади.

1. “Матлуқам Кумушбибига. Маним биринчи хатим билан сизнинг менга қилатурган эркаликларингизга бир чек қўйилган каби эди. Лекин бунга тушунмабсизми ва ё тушунишга тиламабсизми, ҳайтовур яна ҳам эски эркаликларингизни тарк этмабсиз. Хатингизни ўқур ва ўзимни кулгидан тўхтата олмас эдим. Орзуга айб йўқ, дейдирлар. Чекдан ошиб қилган

хужумларингиз эски **қадрдонлигингиз** отига кечирилади. Эндиликда сизга мендек вафосиз ва ҳийлагар бўлмаган янги эр топилгай эди, деб аддои Отабек Юсуфбек ҳожи ўғли, 26 жавзо, 1265-нчи йил, Тошканд” [5].

2. “— Ўғлим, — деди, — сийлаганни сийлаш керак, энди сенга **қадрсизланган** бўлсалар, аммо бизнинг қошимизда уларнинг **қадр-қийматлари** юқори, қутидор бўлса кўз очиб кўрган қудамиз, хотининг бўлса бош келинимиз. Агар сен мени отам дейдирган бўлсанг, шуларнинг кўнглини олмоққа тириш. Қайин отангдан мени қувлади, деб кўнглинг олинмасин, чунки у бечора ҳам бир шайтоннинг васвасаси билан бу хатога тушкан. Ҳар ҳолда ҳурматларини бажо келтир, Марғилон деган шаҳардан сенинг юзингни, деб келадирлар” [5].

3. “Бошқа йигитлардек ортиқча ўринсиз сарфларим бўлмагани учун оз замон ичида уч-тўрт тилла пуллик ҳам бўлдим. Ишимга ихлос билан қараганим учун манинг тўқуған ишларим ўзгаларникидан **қадрлик** юрар ва халқ орасида ҳам отим «уста Алим кичкина» бўлиб шуҳратланган эди” [5].

4. “Эртасига Азизбек мазкур икки кишини ўз ҳузурига олдириб махтовчига улуг мансаб ато қилар ва иккинчисини ўлимга буюрар... Бу ҳукм мажлисида ҳозир турган отам маҳкумнинг гуноҳини сўраганида Азизбек жаллодга бақирар: «Тезроқ олиб чиқ!» Отам тагин қўлиқ қилганида жаллодга буюрар: «Қўлинг-дагини бўшатиб, ўрнига ҳожини олиб чиқ!» — Мана кўрдингизми, отамнинг **қадр**у қийматини”.

Юқоридаги парчаларда қўлланилган “**қадрдонлигингиз**”, “**қадрсизланган**”, “**қадр-қийматлари**”, “**қадрлик**”, “**қадр**у қиймат” сўзлари воситасида қадрланиш билан бир қаторда қадрсизлик, қадрсизланиш маъноларини ҳам зидма-зид кўришимиз мумкин бўлади.

Фикр қилиб айтишимиз мумкинки, ўзбек адабиётини бойитиб турувчи асарларда қадрият лексемаси турли ёндош қўшимчалар билан қўлланилган бўлиб, содда, ясама ва жуфт шакллари кенг оммалашгандир.

Инглиз адабиётшунослиги такрорланмас асарларга бой ҳисобланиб, ўз навбатида **value лексемаси бир** қатор асарларда кенг қўлланилгандир. Улардан бири Жэйн Остиннинг “Sense and sensibility” асаридир. Ушбу асарнинг ахамиятлилик даражасини

оширувчи жиҳатлардан бири ҳам ёзувчининг асар мобайнида **value лексемасига** қилган бир қатор мурожаати орқали белгиланади.

1. “The impertinence of these kind of scrutinizes, moreover, was generally concluded with a compliment, which though meant as its douceur, was considered by Marianne as the greatest impertinence of all; for after undergoing an examination into the **value** and make of her gown, the colour of her shoes, and the arrangement of her hair, she was almost sure of being told that upon “her word she looked vastly smart, and she dared to say she would make a great many conquests.”

Тарж.:

Бундай кузатувларнинг шафқатсизлиги, умуман олганда, илтифот билан яқунланади, ва бу ёқимли илтифотдек кўринса ҳам, Марианнанинг фикрига кўра, бу фақатгина қўполлик эди. Чунки унинг халати, поябзалининг ранги ва соч турмаги кўздан кечирилгандан сўнг, “унинг сўзларига кўра, у жуда ақлли кўринарди ва у жуда кўп ғалабаларни қўлга киритишга қодир” деган сўзларни эшитишга тайёр эди.

2. “In that point, however, I **undervalued** my own magnanimity, as the event declared; for I went, I saw her, and saw her miserable, and left her miserable and left her hoping never to see her again” [3].

Тарж.:

“Аммо, ўша пайтда, мен воқеа эълон қилганидек, ўз улугворлигимни қадрламадим; чунки мен кетдим, мен уни кўрдим ва унинг бахтсизлигини кўрдим ва уни бахтсиз қолдирдим ва уни бошқа ҳеч қачон кўрмасликка умид қилиб ташладим”.

3. “He **valued** their kindness beyond anything, and his greatest happiness was in being with them” [3].

Тарж.: “У уларнинг меҳрибонлигини ҳеч нарсадан устун қўймасди ва унинг энг катта бахти улар билан бўлиш эди”.

Гувоҳи бўлганимиздек, юқорида келтирилган асарларда **value лексемаси содда, ясама ҳамда** қўшма сўз шаклида қўлланилган бўлиб сифат ва от сўз туркумларига мансубдир.

Испан ёзувчиси Сервантес томонидан маҳорат билан ёзилган ушбу асарда **value лексемаси содда ва** қўшма шаклларда бўлиб от ва феъл сўз туркумларига хосдир.

Инглиз асарларига қўшимча равишда Америка ёзувчилари томонидан ёзилган асарларда ҳам **value** лексемаси кенг равишда қўлланилган бўлиб улар куйида ўз ифодасини топади.

1. “Thank you very much,” I said. “I value your opinion.” [2].

Тарж.: «Катта раҳмат, - дедим мен, - фикрингизни қадрлайман».

2. “Perhaps that is wisdom.” “It is a very unattractive wisdom. What do you value most?” “Some one I love.” “With me it is the same. That is not wisdom. Do you value life?” “Yes.” “So do I. Because it is all I have. And to give birthday parties,” he laughed. “You are probably wiser than I am. You do not give birthday parties” [2].

Тарж.: «Балки бу доноликдир.» «Бу жуда беўхшов донолик. Сиз нимани кўпроқ қадрлайсиз? “Мен севган кишини. “Мен билан ҳам худди шундай. Бу донолик эмас. Сиз ҳаётни қадрлайсизми? “Ҳа.” Мен ҳам қадрлайман. Чунки менда бори фақат бу менинг ҳаётим. Туғилган кунларни нишонлаш ҳам, - кулди у, - сиз, эҳтимол, мендан донороқсиз, чунки сиз туғилган кунларни нишонламайсиз”.

Ушбу асарда қўлланилган **value** лексемаси морфологик жиҳатдан содда тузилишга эга бўлиб, от сўз туркумига оиддир.

Хулоса

Инглиз, Америка ва Ўзбек ёзувчилари асарларида “миллий қадрият” ни ифодаловчи тил бирликлари хусусида тўхталиб ўтгандан сўнг куйидаги хулосаларни тақдим этишимиз мумкин.

Изоморфик жиҳатлари:

- Асарларда қўлланилган тил бирликлари асосан от ва сифат, қисман феъл сўз туркумига мансубдир.

- Келтирилган бирликлар содда ва ясама тузилишга эгадир.

Алломорфик жиҳатлари:

- Кадр лексемаси **киноявий эвфема сифатида ишлатилган тил бирликлари** (ўзбек тили).

- Кадр лексемаси фразема таркибида қўлланилган (ўзбек тили).

- Сўзларнинг тузилиш жиҳатига кўра кадр концепти жуфт шаклда қўлланган (ўзбек тили).

- Кадр концепти ясама сўз шаклида қўлланилган (инглиз тили).

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, **value\кадр** концепти маъносини англатувчи тил бирликларининг инглиз ҳамда ўзбек бадиий адабиётида қўлланилиши ҳар бир миллат маданиятидаги миллий, ахлоқий ва умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлишида катта хизмат қилади. Таҳлиллар натижасида шуни айтиш жоизки, ҳар иккала тил маданиятида ҳам қадриятларга алоҳида эътибор қаратилади, шунга қарамай, ғарб ва шарқ адабиётида қадрият ифодаланишининг семантик жиҳатларида сезиларли фарқларни кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 133
2. Ernest Hemingway. A farewell to arms. – New York: Charles Scribner’s sons, 1929. – P. 104, 279.
3. Jane Austen. Sense and sensibility. Free editorial – P. 67, 215. 1811.
4. Абдулла Қодирий. Мехробдан чаён. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва Санъат нашриёти, 1994. – Б. 22, 29, 110-111.
5. Абдулла Қодирий. Ўткан кунлар // www.ziyouz.com kutubxonasi. – Б. 104, 115, 163.